



Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокатуҳ!

Сайтимизнинг мухтарам ва мухтарама фойдаланувчилари барчаларингизни муборак Рамазон хайити билан чин калбдан табриклаймиз!

Ўзининг инсониятга юборган сўнги китобини Рамазон ойида индирган ва бу ойни Ислом уммати учун Куръон ойи қилиб берган Роббимиз Аллоҳ таолога ҳамду саноларимиз бўлсин! Рамазонни Куръон ойи ўларок ўтказишни амалий суратда кўрсатиб берган, одоб ва йўсинларини ўргатган хабибимиз Мухаммад Мустафога дуруд ва салавотларимиз

бўлсин!

Ха, Рамазон Куръон ойдир. «Рамазон ойи – унда одамларга хидоят хамда хидояту фуркондан иборат очик-ойдин хужжатлар бўлиб Куръон нозил килингандир». Рамазон вахий фариштаси Жаброил (алайхиссалом) билан Куръон Пайгамбари Мухаммад (соллаллоху алайхи васаллам) биргаликда Куръон такрор килган ва уни дилда мустахамлаган ойдир. Рамазон ана ўша муборак онлардан буён Ислом уммати учун Куръонни ўрганиш, ўқиш, ўкитиш ва тинглаш билан Каломуллохга боғланиш ойи бўлиб келмокда. Мана, ўн тўрт аср ўтдики, бу илохий анъана узликсиз давом этиб, ўзининг битмас-туганмас самараларини бериб келмокда.

Бу муборак ойнинг кириб келгани муносабати билан ўтказилган танловимизнинг барча катнашчи ва ижодкорларига ўз миннатдорчилигимизни билдирамыз! Муборак Рамазон ойнинг ўзгача шукухи ила бошланган Рамазонга Куръон тухфаси номли танловимиз натижаларини мамнуният ила эътиборингизга хавола киламыз.

**Танлов натижалари:**

**1- ўрин *Жўрабоев Мухаммад Юсуф***

**2- ўрин *Гиёсиддин Юсуф ўгли***

**3- ўрин *Фазлиддин Джураев***

Барча голибларимизни чин юракдан муборакбод этамыз. Келгусида билимларини янада зиёда килишини Аллох таборака ва таоладан сўраб қоламыз. Голиблик муборак!

quran.uz